

НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҲАҚИДА ШАРТНОМА

“17” Июль 2022 йил

№ 60

Карши шаҳри

“Карши нефт базаси” МЧЖ, бундан буён текстда “Таъминотчи”, номидан корхона директори О.Рузиев томонидан ва иккинчи томонидан “Истеъмолчи” деб аталувчи Аму-Кашкадарё ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ номидан бошлиқ С.Хуррамов Низомга асосан иш юритувчи ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини, автобензин ва дизель ёнилгиси буйича 2022 йилга ажратилган лимитларга асосан, бошқа нефт маҳсулотлари турлари буйича эса “Таъминотчи” ресурс имкониятларига ва “Истеъмолчи”нинг талабномасида кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2 “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммасига олади.

Шартноманинг умумий суммаси 32728842(Уттиз икки миллион етти юз йигирма саккиз минг саккиз юз қирқ икки) сўмни ташкил қилади.

Шартноманинг суммаси “Ўзнефтмахсулот” акционерлик компанияси ва бошқа нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилаётган нефт маҳсулотларининг нархлари нефт маҳсулотлари ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорига асосан узгартирилганда ёки нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари узгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кура узгарганда шартноманинг умумий қиймати узгаради.

II. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га ажратилган лимитлар доирасида «Истеъмолчи» тақсимотига кура унинг транспортида, махсус автотранспортда (транзит билан) белгиланган тартибда етказиб берилади.

2.2. Нефт маҳсулотларини ортиш (ташиб кетиш) “Ўзнефтмахсулот” АК томонидан ажратилган ойлик режа асосида юкланадиган маҳсулот учун ой бошланишидан 15 кун олдин тўлиқ пул тўланганидан сунг режалаштирилади ва томонлар келишувига асосан амалга оширилади. Маҳсулотларни ортиш вақти томонлар келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин.

Спецификацияда кўзда тутилган маҳсулот миқдори ва суммаси ўзгарса томонлар келишувига асосан қушимча спецификация тузилиши ёки “Истеъмолчи”нинг хати ёки тақсимот ҳужжати асос ҳисобланиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда нефт маҳсулотларини ташиб кетишга қўйилган барча талабларга риоя қилишини ўз зиммасига олади.

2.4. Нефт база омборига маҳсулот қўйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1580-84 давлат стандарти талабларига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қўйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот махсус автотранспортда ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

KARSHI NEFT BAZASI

2.5. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар “Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга 1510-84 давлат стандартига мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. “Таъминотчи” нефт базада маҳсулот йўқлиги сабабли маҳсулотни тўла беролмаган тақдирда берилмай қолинган маҳсулот миқдорини “_____” корхонасига қарашли бошқа нефт базаларидан ёки даврда манбалар миқдорига қараб етказиб берилади.

III. ҲИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади.

3.2. “Истеъмолчи” ҳар ойда олинаётган нефт маҳсулоти ҳақини автобензин ва дизел ёкилгиси учун олдиндан 100%, ва бошқа турдаги барча нефт маҳсулотлари учун ___% миқдорида олдиндан тўлов шаклида амалга ошириши керак. (ВМ 13.03.2008 №42 қарори)

3.3. “Таъминотчи” нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотни юклаш пайтида улгуржи нархда сотади, бунда корхона устама нархи ва темир йўл харажатлари ҳисобга олинади.

IV. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қўйидагича амалга оширилади:

а) “Таъминотчи”нинг омборидан “Истеъмолчи” вакилининг нефт маҳсулотлари олиб чиқиш қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) “Истеъмолчи” транзит орқали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади. Транзит тартибда етказиб берилган нефт маҳсулотларининг сифати ва миқдори бўйича низолар келиб чиққанда “Истеъмолчи” низоларни бевосита маҳсулот жўнатган заводлар билан ҳал қилади.

V. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1. “Истеъмолчи” нефт маҳсулотларини олаётган вақтида жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади. Ўз транспортида олиб чиқиб кетгандан сўнг “Таъминотчи” сифат ва миқдор учун жавоб бермайди.

5.2 Етказиб берилаётган маҳсулот сифат Давлат стандарти, Техник шартлар талабларига мос келиши ҳамда жўнатилаётган нефт маҳсулот учун берилаётган сифат гувоҳномасида акс эттирилиши лозим.

5.3. Нефт маҳсулотларини олган “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат гувоҳномаси (паспортини) талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.4. Марказлаштирилган автотранспортда ташишда эса тартиб ва йўриқномаларга мувофиқ иш юритилади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «Таъминотчи» асосиз равишда нефт маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирилганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун “Истеъмолчи”га мажбуриятларни бажармаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган нефт маҳсулоти қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак пеня тўлови шартнома мажбуриятларини бузган томонни нефт маҳсулотлари кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод қилмайди.

KARSHI NEFT BAZASI

6.2. “Таъминотчи” асоссиз қонунчилик ёки ҳўжалик шартномаси стандартлар техник шартлар сифат талаблари турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганда “Истеъмолчи” нефт маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши “Таъминотчи”дан талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш агар маҳсулотнинг қиймати туланган бўлса белгиланган тартибда туланган суммани қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима “Таъминотчи”дан акцентсиз тартибда ундирилади бунда маҳсулотнинг сифатсизлигини тасдиқловчи далолатномада “Таъминотчи”нинг ваколатли вакили томонидан имзоланган бўлиши керак.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлик учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га олинмаган маҳсулотнинг умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Нефт маҳсулотлари тўлиқ олинмаганда “Таъминотчи” жарима ундиришдан ташқари тўлиқ олинмаган маҳсулот қийматини тулашга талаб қилишга ҳақли бунда у мазкур маҳсулотнинг борлигига кафолат бериши лозим.

6.4. Тўлов талабномасини асоссиз равишда тулик ёки қисман рад этишлик учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га рад этган уша сумманинг 15 фоиз миқдорида жарима тўлайди. Етказиб берилган нефт маҳсулоти ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги ва дебиторлик қарзи муддатини кечиктириб юборганлик учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. “Истеъмолчи” олинган нефт маҳсулотларини ташқарига сотмаслик мажбуриятини олади ва олинган нефт маҳсулотларини ўз эҳтиёжи учун ишлатади.

6.6. Ушбу шартномада бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ва “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга биноан қўлланилади.

VII. ФОРС – МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар шартнома тузилгандан сунг томонлар ўз мажбуриятларини ғайри ғ табиий ҳолатлар сув тошқини ёнғин ер кимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса “Ўзнефтмаҳсулот” АКнинг “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТЙКнинг айби билан ёки маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва муддати юқори ташкилотлар томонидан ўзгартирилиш муносабати билан бузилса ҳеч қайси томон тула ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

VIII. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. _____

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб ҳар иккала томон имзолагандан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

KARSHI NEFT BAZASI.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг музокараси йўли билан хал қилинади. Иккала томон мустақил хал эта олмаган баъзи масалалар белгиланган тартибда Хакамлик суди орқали хал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва хар бири тенг ҳуқуқий кучга эга.

9.4. Шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022-йил 31 мартгача кучда бўлади.

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Нефт маҳсулоти тури	ГОСТ ва ТУ буйича	Нархи 1 тонна учун сўмда	Микдор и тоннада	Шу жумладан чораклар бўйича			
				I	II	III	IV
Авто Бензин	АИ-80	10909614	3	3			

Х. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

“ТАЪМИНОТЧИ”


Карши нефт базаси МЧЖ
Манзили Карши шаҳри, Шайхали курғони
тел\факс. 221-04-12
Х-р: 20220000100530160001.
ИНН 200672124. МФО 00432.
Банк Тош., "УзСан.Кур.Банки" АТБ Яш. ф
ОКОНХ: 80190

“ИСТЕЪМОЛЧИ”

Аму-Кашкадарё ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ
Манзили Карши ш. Узбекистон овози -17 уй
тел\факс 227-06-38, 227-07-56
ш/х 100021860104017042402170003
Вилоят газначилик бошқармаси
ИНН 200667042 ОКОНХ 29000
Молия Вазирлиги Газначилиги
Газна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи г.Ташкент РКЦГЛ гор.управ.ЦБ
МФО 00014 СТИРи 201122919


Директор О.Рузиев

М.Ў. (имзоси.)



Раҳбар С.Хуррамов


М.Ў. (имзоси.)



Ҳуқуқшунос хулосаси:

Ушбу шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун ва Вазирлар маҳкамасининг бу борадаги қарорлари талабларига зид келмайди.

Ҳуқуқий маслаҳатчи



20